

Fidoyilik — vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

2022-yil 2-aprel, shanba,
38 (23.605)-son

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz


**КУН ҲИКМАТИ**

Кексайганда хотирлашга арзигулик онлари, воқеалари бўлмаган умр тушга ўхшайди.

**Ушбу хулоса тўғрилигига ҳаётим давомида тўла ишонч ҳосил қилганман. Мактабда ўқиб юрган вақтларим ўқитувчилар, қишлоқнинг зиёли кишилари профессор Ботирхон аканинг ажойиб фазилатлари, илми ҳақида кўп гапиришарди. Самарқандда таълим олган оғайниларим домланинг юксак маънавияти, камтарлиги хусусида сўзлаб беришарди. Шу сабаб, вилоятга ҳоким бўлиб келганимда илк фаолиятимни самарқандлик таниқли академиклар Воҳид Абдулла, Тошпўлат Ширинқулов, Диамат Абдукаримов, Ботирхон Валихўжаев хонадонини зиёрат қилишдан бошлаганман.**

## БОТИРХОН ВАЛИХЎЖАЕВ – КОМИЛЛИККА ИНТИЛГАН ТИМСОЛ



Ботирхон Валихўжаев ҳамкасблари орасида ўзига хос илмий ва ижтимоий мактаб яратган олим. Нафақат Самарқандда, Ўзбекистонда, қолаверса, кўплаб Шарқ мамлакатларида домлани комилликка интилишнинг тимсоли деб эътироф этишади. Негаки, ўзбек, форс, тожик, араб, рус тилларини мукаммал билган олим умри давомида бир ерда – Самарқанд давлат университетида ишлади ва мумтоз адабиётимизнинг энг нозик қирраларини тадқиқ этди. У киши Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Рудакий, Мирий ижодининг таҳлили юзасидан тадқиқот олиб бориб, ибратли хулосалар берди. Ўзбек ва тожик адабиёти муштараклигини пухта ўрганди.

Домланинг камтарлиги, хокисорлиги, одамларга меҳри, касбига садоқати, илм йўлидаги машаққатларни енгиб ўтишдаги матонати тенгдошлари, сафдошлари ва шогирдлари учун доимо ибрат бўлган. Шунинг учун ҳозир ҳам вилоят миқёсида бўладиган ҳар бир даврада бу инсоннинг номи ҳурмат билан тилга олинади. Домланинг алломаларимиз тўғрисидаги илмий хулосалари биз, раҳбарлар учун ҳам керакли дастуриламал ва бундай ибратли фикрлардан фаолиятимда доим фойдаланаман.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ботирхон Валихўжаев фидокорона меҳнати учун жамиятимиз, давлатимиз томонидан доимо рағбатлантириб келинган. У киши "Меҳнат шуҳрати", "Эл-юрт ҳурмати", "Буюк хизматлари учун" орденлари билан мукофотланган. Муҳими, вақт ўтган сайин олимнинг илмий хулосалари, эзгу фазилатлари, фан йўлидаги фидойилиги янгича моҳият касб этиб, қадриятга айланаётир. Агар ҳаёт бўлганида домла бугун 90 ёшга тўларди. Лекин у киши элга қилган хизмати, илмий соҳадаги ибрати боис ҳамон бизнинг сафимизда юргандек.

Барчамизни шу табаррук заминимиздаги улуғларнинг пок руҳлари қўллаб турсин.

**Эркинжон ТУРДИМОВ,**
**вилоят ҳокими.**

Академик Б.Валихўжаев туғилган кун муносабати билан кеча вилоят ҳокими Э.Турдимов олим яшаган хонадонга бориб, унинг оила аъзолари билан учрашди. Самимий мулоқот чоғида Б.Валихўжаевнинг юксак инсоний фазилатлари ёдга олинди.

## ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ОЙЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Вилоят ҳокими Э.Турдимовнинг 2022 йил 31 мартдаги фармойишига кўра, вилоят ҳудудида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фуқаро муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, бошқармалар, идоралар, жамоат ташкилотлари ва туман (шаҳар)лар ҳокимликлари масъул ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, ушбу йўналишдаги ишларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишига эришиш ҳамда мавсум давомида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилояти ҳудудида 2022 йил 1 апрелдан 1 майга қадар **"Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси ойлиги"** ўтказилади.



## ГЕОЛОГЛАР ШАРАФЛАНДИ

**Мамлакатимизда апрель ойининг биринчи якшанбаси геологлар куни деб белгиланган. Сана муносабати билан вилоят ҳокимлиги томонидан байрам тадбири ташкил этилди.**

Унда вилоят ҳокими Э.Турдимов иштирок этиб, соҳа ходимларини касб байрами билан табриклади. Геология соҳаси мамлакатимизнинг минерал-хомашё базасини ривожлантириш, ер қаърини ўрганиш ва разведка қилиш, фойдали қазилма конларини очишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди.

- Вилоятимизда кейинги беш йилда 33 та лойиҳа доирасида геология-қидирув ишлари амалга оширилди, – деди Э.Турдимов. – Натижада қимматбаҳо ва радиоактив металлар бўйича 126 тонна олтин, 5,1 минг тонна уран, 11,5 минг тонна вольфрам захиралари тасдиқланди. Шунингдек, 5 та истиқболли майдонда нефтнинг 2,1 миллион тонна, газнинг 9,8 миллиард метр куб ва конденсатнинг 227 минг тонналик ресурслари аниқланди. Самарқанд, Пахтачи ва Каттақўрғон туманлари ҳудудларида кварц, оҳактош, гипс, мармар, лёсс ва кварцли қум майдонларида 10 та лойиҳа доирасида геологик тадқиқотлар амалга оширилди.

Тадбирда вилоятимизда амалга оширилаётган геология қидирув ишларида фаоллик кўрсатиб, соҳани ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ишчи-ходимлар вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқ, ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Бахтиёр МУСТАНОВ.**

**Президент ташрифидан сўнг**

**Шу йилнинг 10 февраль куни давлатимиз раҳбари вилоятимизда амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари, жойларда ислоҳотларнинг бориши билан танишди. Ташриф доирасида Шавкат Мирзиёев Жомбой туманида бўлиб, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва фаоллар билан суҳбатлашди.**

## Саройлик ёшларга туҳфа

Мазкур мулоқотда туманнинг Сарой маҳалласида жойлашган 26-умумий ўрта таълим мактаби чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси Баҳриддин Калонов давлатимиз раҳбаридан сунъий тўсиқлар йўлагини барпо этишда амалий кўмак сўраган эди.

– «Фориш» тоғ полигонида сунъий тўсиқлар йўлагини кўрган эдим, – дейди Б.Калонов. – Давлатимиз раҳбари маҳалламизга келганларида ушбу сунъий тўсиқлар йўлагини мактабимизда ҳам барпо этишда ёрдам сўрагандим. Шунга кўра, бу вазифа Мудофаа вазирлигига юкланган эди. Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги ушбу вазифа ижросини қисқа фурсатда адо этди. Сунъий тўсиқлар йўлагидан ташқари, ўқув синфимни бутунлай янгича кўринишга келтириб, моддий базасини янгилашди. Шунингдек, мактабимизда беш муҳим ташаббус, Тараққиёт стратегияси, "Ватан – азиз, жасорат мангу!" ва "Мактабимиз фахри" каби бурчакларни, тир мажмуаси ва ёшларимизнинг барча спорт турлари билан шуғулланишлари учун кенг қамровли спорт шаҳарчасини барпо этишди.

Туман аҳолиси ва ёшлар учун ташкил этилган ҳарбий-ватанпарварлик фестивалида мазкур иншоотлар тантанали топширилди.

Унда Мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник Ҳамдам Қаршиев, Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги, туман сектор раҳбарлари ҳамда фахрийлар иштирок этди.

**Ф.ФАХРИДДИНОВ.**

## "DISCOVERING UZBEKISTAN" биринчи туристик анжумани ўтказилди

**Конференция Самарқанд халқаро аэропортида туризм ва маданий мерос, ташқи ишлар ва транспорт вазирлиги, "Uzbekistan Airports" АЖ ҳамда "Air Marakanda" авиакомпанияси ҳамкорлигида ўтказилди.**



Халқаро авиакомпаниялар, сайёҳлик агентликлари, меҳмонхоналар, дипломатик корпус, вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон сайёҳлик бренди, мамлакатимизни хорижий сайёҳлар учун кенг тарғиб этиш ва туризм имкониятлари намойиш қилинди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, туризм ва маданий мерос бошқармаси бошлиғи Р.Қобилов Самарқанднинг туризм салоҳияти ва барпо этилаётган туристик объектлар ҳақида маълумот берди.

- Вилоятда 1607 та, Самарқанд шаҳрида 483 та маданий-тарихий мерос объектлари мавжуд, - деди Р.Қобилов. – Шу билан бирга, 170 та меҳмонхона, 220 та меҳмон уйи ҳамда 200 та туроператор фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, хорижий ва маҳаллий сайёҳларга қулай шароит яратиш мақсадида Самарқанд туристик мажмуаси, "Абадий шаҳар" карвонсаройи ҳамда тоғ туризми кластерини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Яқин бир йилда Самарқанд туризм инфратузилмаси тубдан ўзгаради, вилоятимизга келган ҳар бир сайёҳ бой таассуротлар билан юртига қайтади.



**Ф.РЎЗИБОЕВ.**

## ЭЗГУ АМАЛЛАР ОЙИ БОШЛАНДИ

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим!

Ойларнинг султони бўлган муборак Рамазони шариф бошланди. Шу муносабат билан кеча давлатимиз раҳбарининг ушбу қутлуғ ойни юртимизда муносиб ўтказиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликларга Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятларга мос ва муносиб тарзда ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилди.

Рамазон ойининг рўзасини тутиш исломнинг асосий рукнларидан бири бўлиб, Аллоҳ таоло уни ҳар бир мусулмонга фарз қилган. Қуръони каримнинг "Бақара" сурасида *"Эй, иймон келтирганлар, сиздан олдингиларга фарз қилинганидек, сизга ҳам рўза фарз қилинди"*, деган ояти келтирилган.

Бу муборак ой мўминларнинг савоб касб қилишларига энг қулай фурсат ҳисобланади. Рамазоннинг рўзасини тутганларга улкан ажр-савоблар, икки дунё саодати ваъда қилинган. Рамазон ойида қилинадиган яхши амалларнинг савоби ҳам шу ойнинг ҳурматидан кўпайтириб берилади. Буюк муҳаддис Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам *"Кимки Рамазон рўзасини иймон ила савоб тилаб тутса, унинг олдинги барча гуноҳлари мағфират қилинади"*, деганлар.

Рўза уни тутувчининг фақат ўзига эмас, балки оиласи, жамияти, бутун инсоният ва қолаверса, барча мавжудотга фойда келтиради.

Бошқа бир ҳадисда шундай дейилган:

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Набий алайҳиссалом "Сизга муборак Рамазон ойи келди. Аллоҳ азза ва жалла сизга унинг рўзасини тутмоқни фарз қилди. Унда осмонларнинг эшиклари очилур. Унда жаҳаннамнинг эшиклари ёпилур. Унда ўзбошимча шайтонлар кишанланур. Унда Аллоҳнинг бир кечаси бўлиб, у минг кечадан яхшидир. Ким у кечанинг яхшилигидан маҳрум бўлса, батаҳқиқ, маҳрум бўлибди", дедилар" (Насаий ва Байҳақий ривоят қилганлар).*

Ушбу ойни ғанимат билиб, иложи борича кўпроқ савобли ишлар ҳамда хайр-саховат қилиш, бева-бечоралар кўнглига хурсандчилик улашиш ва бунинг сабабидан кўплаб ажру мукофотларга сазовор бўлишимиз даркор. Ой давомида Қуръони карим хатмида иштирок этиб, улкан савобга эга бўлишимиз, ўзимизни ҳар томонлама ислоҳ этиб, хатоларни тузатиш, ҳасад, гинаю кудрат, хусумат каби иллатлардан қалбимизни мусаффо этиб, ўзимиз учун покиза ҳаёт саҳифасини очишимиз, хайрли ишлар учун бошқа вақтлардагидан кўра кўпроқ ажру савоблар бериладиган бу қимматли фурсатларни ғанимат билиб, меҳру мурувват, саховат ва силаи раҳм каби олижаноб ишлардан имкон қадар кўпроқ захира тўплашимиз зарур.



Эл-юртимиз учун азалдан эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимизда нақадар аҳамиятли экани барчамизга маълум. Ана шу жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда муборак Рамазон ойи муносабати билан вилоятимиз аҳолисига қулай шарт-шароитлар яратиш ва қутлуғ ойни муносиб ўтказиш мақсадида вилоятимиздаги 285 та масжидда таровеҳ намозлари ҳамда ушбу масжиднинг 172 тасида хатми Қуръон ташкил қилинмоқда. Масжидларда яна бир бор тозалик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, ёнғин ва бошқа хавфсизлик чоралари, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

Жорий йилги муборак Рамазон ойи диёримизда диний соҳада тарихий ўзгаришлар бўлаётган бир даврда келмоқда. Бу эса барчамиз учун кўпроқ ибодатлар, яхшиликлар қилиш асносида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни асраб-авайлашга ҳисса қўшишни, доимо шукроналик ҳиси билан яшаб, Аллоҳ таолодан халқимизнинг фаровонлиги, юртимиз равнақини сўраб дуои хайрлар қилишимизни тақозо этади.

Барча юртдошларимизни, бутун дунё мусулмонларини муборак Рамазон ойи билан яна бир бор табриклайман!

Аллоҳ таоло исломнинг беш арконидан бири бўлмиш рўза ибодати учун хослаган бу ойни иймон-эътиқод ва хулуси ният билан, ажру савоблардан умидвор бўлган ҳолда ўтказишни, бу ойда қилинган солиҳ амаллар учун ваъда қилинган беҳисоб улуғ мукофотларга ноил бўлишни барчамизга насиб айласин!

Рамазон ойи муборак бўлсин!

**Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоятдаги вакили,**
**вилоят бош имом-хатиби.**

XalqBanki



# БИЗ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

**Давлатимиз раҳбари 2020 йилда Ўзбекистон тарихида илк марта камбағаллик масаласини кўтариб, унга қарши курашиш бўйича вазифаларни белгилаб берганди. Бу борада маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир маҳаллага ишсизликни бартараф этиш, аҳоли даромадини ошириш мақсадида ҳоким ёрдамчилари тайинланди.**

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида аҳолига имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳам янги босқичга кўтарилди.

2021 йил 20 декабрда Президентимизнинг "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинганди. Мазкур қарорга асосан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш механизмлари соддалаштирилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, даромад манбаини кенгайтириш ва меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб дастурлар бўйича кредитлар тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси (Oilakredit.uz) орқали ажратилиши белгиланди.

Акциядорлик тижорат Халқ банки вилоят, туман, шаҳар филиалларида ҳам бу борадаги ишлар жадал суръатда давом эттирилмоқда. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар устувор равишда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" рўйхатига киритилган фуқароларга ўзини ўзи банд қилиш, доимий даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлашга, янги иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларга йўналтирилмоқда. Ягона электрон платформа орқали мақсадли фойдаланиш шартлари асосида йиллик 14 фоиз ставкада жисмоний шахсларга 33 миллион сўмгача, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига 225 миллион сўмгача ҳоким ёрдамчиларининг тавсияномалари асосида кредитлар ажратилади.

Бунинг эътиборли жиҳати шундаки, дастурлар доирасида имтиёзли кредитлар илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш учун йўналтирилмайди.



Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш, савдо-воситачиликни амалга ошириш, умумий овқатланиш ташкилотларининг айланма маблағларини шакллантиришга ҳам сарфланмайди. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулк (мебель, уяли телефон, маиший техника ва бошқалар) сотиб олиш учун берилмайди. Енгил автотранспорт воситалари (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда иштирок этувчи кичик мототранспорт воситалари бундан мустасно), жумладан, йўловчи ташувчи автомобиллар сотиб олиш учун, маъмурий харажатларни тўлаш, хизмат автомобиллари таъминоти, бино ва иншоотлар сотиб олиш ва қуриш учун ажратилмайди. Бундай ҳолатларда ажратилган кредитлар тўлиқ мақсадсиз ҳисобланади.

Эндиликда дастурлар доирасида кредит аризалари қарз олувчи фуқаро томонидан мустақил равишда ёки маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчиларининг кўмаги билан Ягона электрон платформа орқали масофадан тақдим этилади. Кредит аризалари барча босқичларда онлайн кўриб чиқилади ва ҳар бир босқичда қабул қилинган қарор тўғрисида ягона электрон платформа орқали аризачига СМС-хабарнома шаклида маълумот бериб борилади. Аризаларига ҳоким ёрдамчилари томонидан ижобий хулоса берилган фуқаролар кредит ҳужжатларини электрон кўринишда масофадан туриб электрон рақамли имзо (ЭРИ) орқали имзолайди ҳамда товар ва хизматларни бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш имкониятини берадиган содда ва қулай электрон савдо майдони "Marketplace" тизими (smart-market.uz) орқали харидларни амалга оширади. Кредитлар қарз олувчига у томонидан мустақил танланган таъминотчи билан тузилган шартнома асосида келишилган нархда маҳсулот етказиб берилганидан ёки ишлар бажарилганидан ва қарз олувчи томонидан қабул қилиб олингандан сўнг ҳамда ҳоким ёрдамчиси томонидан ўтказилган мониторинг натижасига кўра, қарз олувчини идентификациялаш орқали таъминотчига ўтказиб берилади.

Бир сўз билан айтганда, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредит олиш истагини билдирган фуқароларга банкка бормасдан кредит олиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш имконияти яратилади.

Халқ банкининг Самарқанд вилоят, туман, шаҳар филиалларида қарорлар, низом ҳамда йўриқномалар талабларидан келиб чиқиб, имтиёзли кредитлар балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этишга йўналтирилмоқда. Шунингдек, иссиқхона фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш, хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа фаолият турларига ажратилиб келинмоқда. Ҳозирга қадар "Ҳар бир оила - тадбиркор" давлат дастури асосида ажратилган ресурс маблағлари ҳисобидан Халқ банкининг вилоят филиаллари бўйича 32 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағи ажратилди. Бу маблағ эвазига ишга тушган лойиҳалар доирасида 1200 дан зиёд фуқаронинг бандлиги таъминланди. Шу жумладан, 551 нафар хотин-қизни тадбиркорликка жалб қилиш учун 11,5 миллиард сўм, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 13,2 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди.

**Элёр РЎЗИЕВ,**
**Халқ банки вилоят филиали давлат дастурлари ва инвестиция лойиҳалари билан ишлаш бўлими мутахассиси.**

*Хизматлар лицензияланган.*

# ЯНГИ НАВ КЎЧАТЛАРИ БОШҚА ВИЛОЯТЛАРДА ҲАМ ЭКИЛМОҚДА







**Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтининг Паст Дарғом тумани Чархин ҳудудида жойлашган филиали 1947 йилда ташкил этилган.**

Филиалда 60 нафар агроном, ҳосилот, мутахассислар томонидан кўчатлар нави яхшиланиб, серҳосил, касалликка чидамли, эртапишар мева ва узум кўчатлари навлари яратилмоқда. Республикамизнинг бошқа вилоятларидаги боғбонлар ҳам хўжаликдан олманинг "Голден" ва "Пинк Леди", узумнинг оқ ва қора кишмиш ҳамда винобоп навларини олиб кетишмоқда.

- Хўжалигимиз тасарруфидаги 135 гектар майдоннинг 110 гектарига экин экилади, - дейди хўжалик директори Баҳодир Очилов. - Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорларига асосан 60 нафар ишчимизга 0,5 ва 0,75 гектардан боғ қатор орасини деҳқончилик қилиш учун ажратдик. Ҳар бир ишчи-ходим ўзига ажратилган майдонда рўзғорга керакли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирмоқда.

Жорий йилда хўжалик томонидан республикамизнинг барча вилоятларига 300 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб берилди. Шунингдек, Паст Дарғом тумани ва Самарқанд шаҳридаги йўл бўйиларига мингдан ортиқ мевали, манзарали кўчатлар экилди.

t **Тоҳир НОРҚУЛОВ.**

## ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИНГ!

Каттақўрғон туманидаги "Исломбек Мойбулоқ деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2022 йил 26 апрель куни соат 11:00 да жамият маъмурий биносида бўлиб ўтади.

**Кун тартибида:**

*- жамият раисининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботи;*

*- жамиятнинг 2022 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш;*

*- бошқа масалалалар.*

Йиғилишга барча таъсисчиларни таклиф этамиз.

**Манзил: Каттақўрғон тумани "Мойбулоқ" МФЙ, "Исломбек Мойбулоқ деҳқон бозори" МЧЖ биноси.**

**ЖАМИЯТ МАЪМУРИЯТИ.**

* * *

Каттақўрғон туманидаги "Мастура КЖ деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2022 йил 26 апрель куни соат 10:00 да жамият маъмурий биносида бўлиб ўтади.

**Кун тартибида:**

*- жамият раисининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботи;*

*- жамиятнинг 2022 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш;*

*- бошқа масалалалар.*

Йиғилишга барча таъсисчиларни таклиф этамиз.

**Манзил: Каттақўрғон тумани "Қўштепа" МФЙ, "Мастура КЖ деҳқон бозори" МЧЖ биноси.**

**ЖАМИЯТ МАЪМУРИЯТИ.**

* * *

## ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасида марҳум Хидиров Темиркулга (2021 йил 24 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Ўрташиқ маҳалласи.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Бердиқулов Самат Тиркашевичга (2020 йил 27 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Муродова Зебига (2021 йил 13 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нурқосимов Рамзиддин Сайфиддинович нотариал идорасида марҳум Ахмеджанов Собирга (2021 йил 7 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нурқосимов Рамзиддин Сайфиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасида марҳум Гуломов Юсуф Валамовичга (2021 йил 26 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Бойматова Барно Уринбоевнага (2021 йил 21 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Шаталов Василий Степановичга (2021 йил 18 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Камолова Назира Ражабовнага (2020 йил 1 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Ургут туманидаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қоракўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасида марҳум Сатторов Фурқат Абдуамиевичга (2021 йил 25 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос ишлари очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қоракўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Ургут тумани Почвон қўрғони.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Джураев Мубин Негматжанович нотариал идорасида марҳум Саттаров Азимга (2014 йил 18 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Джураев Мубин Негматжанович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, мўлжал - "Бахт уйи".**

* * *

## БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"GROSS INSURANCE" МЧЖ Афросиёб ва Кўксарой филиалларига тегишли 2020 йилда йўқолган А4 форматли GSS 128882, 149672, 183883, 238576, 176202, GB 1596, 1600, 1601, 24709, 11886, GIR 5919, 7537, 8285, GIT 24495 рақамли суғурта полислари бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Имомова Мунира Равшановна номига берилган U № 0519535 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нарпай туманидаги 69-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Норқулов Санжар Фурқат ўғли номига берилган UM № 0956893 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 47-ўрта мактабдан 1991 йилда Самандарова Махчера Маноновна номига берилган А № 376040 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатноманинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 36-ўрта мактабдан 1989 йилда Эшонқулов Улуғбек Гайбуллоевич номига берилган № 880164 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Оқдарё туманидаги 48-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Фармонов Диёрбек Абдуҳалил ўғли номига берилган UM № 0960579 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат чет тиллар институтидан 2004 йилда Эшанкулова Феруза Рахимкуловна номига берилган рўйхат рақами 2288, В № 182700 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги 33-ўрта мактабдан 1997 йилда Хидиров Уткир Акбарович номига берилган А № 391047 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Жомбой туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабидан 2013 йилда Раббимова Зарнигор Шавкат қизи номига берилган U № 5887340 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 55-ўрта мактабдан 1997 йилда Имомкулова (ҳозирда Нормуродова) Сакина Камбаралиевна номига берилган O'R-E № 362280 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қўшработ туманидаги "ZARMITAN GOLD AGRO" хусусий корхонасининг (СТИР: 307464446) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

